

МАРҲАБО ЯНГИ ЙИЛ, ЯНГИ АСР!

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!



МАНАЛЛА

Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

№ 94-95 (226-227)

2000 йил 30 декабр, шанба

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Сотувда эркин нархда

ЯНГИ ЙИЛ МЎҶИЗАСИ!



Кеча ва бугун пойтахтимиздаги Туркистон саройида Президент Арчасининг бош тадбирлари бўлиб ўтмоқда.

Дунёда мўъжизага шонмаган, уни кутиб яшамасан болакай бўлмас керак. Балки ана шу мўъжизага бўлган шонча, унга интиқлик туфайли болаликдан Янги йил байрамини байрамларнинг энг севимлиси деб биламиз.

ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИГА ОЛҚИШЛАРНИНГ БАРЧАСИ!

Болаликнинг беташвиш онлари йиллар ортда қолиб, эртақларнинг бор-йўғи эртақ эканигини англаб етганимизда ҳам, катталар дунёсининг катта-кичик ташвишларини бир зумга бўлсада унуттишга ундовчи бир ҳис Янги йил байрами арафасида ҳар биримизнинг қалбимизни чулғаб олади. Байрам яқинлашгани сари болажонларимизнинг кайфиятидаги байрамона кўтаринчилик, таралдул биз - катталарга ҳам юқди, уларга қўшилиб Янги йилда ажойиб мўъжизанинг рўй беришини илҳақ кутаётганимизни ўзимиз ҳам сезмай қоламиз...

Юртимизни катта бир оилага қислайдиган бўлсак, ҳар қандай оиладаги шодёна ташаббускори ана шу оиланинг улуғи бўлгани каби, болажонларнинг байрам тантаналарини юксак даражада ташкил этиш ҳам шахсан Юртбошимизнинг ташаббуслари эканлиги янада қувончли. Аслида Президент арчаси тадбирларининг алоҳида эътирофга лойиқ жиҳати борки, у ҳам бўлса Янги йил байрами кунини Меҳрибонлик уйларида воёга етаётган болажонларнинг мурғак қалбларини қувончу меҳрга лиммо-лим тўлдирди.

Кунини кеча Тошкентнинг сарҳашам саройларидан бири - Туркистон саройида Тошкент шаҳри ва вилояти, шунингдек, Сирдарё, Жиззах вилоятларидаги Меҳрибонлик уйларидаги тадбирлар буюрқан болалар сервиқор, ранг-баранг ўйинчоқлари, чироқларга бурканган Президент арчаси атрофида жам бўдилар. Қорбобо ва Қорқиз билан қўл ушлашиб, қўшқини-шарға, рақсини-қуйга улаб, мириқиб ўйнадилар. Шу тобора уларнинг чехралари, ўйинга тушишлари қўйқириб қулишлари, чакнаб турган кўзларидан, ҳар бир ҳаракатларидан уфуриб турган бахтиёрлик ифодаси ҳеч бир таърифга сизмас керак...

Байрам тантаналарини Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқаруви раиси Шўхрат Жалилов очди. Юртбошимиз номидан болажонлари Республика Бош вазирни ўринбосари Ҳамидулла Кароматов табриклиди.

Ноҳира Қурбонова бошчилигидаги «Тошоша» болалар театри ижросидаги сахналаштирилган тошоша уларда ўчмас тасассурлар қолдиргани шубҳасиз. Томошалан сўнг совға улашиш фурсати етди. Кўп ўтмай совғалар улашиб бўлиди. Ана, бир қизалоқ совға кутсини бағрига босганча дугоналарни томон ошиқди. Ҳамма ўзининг совғасини очиб қилди овора. Қизалоқ ҳам кутини очди, ундаги ўйинчоқлари, ширинликларни кўриб кўзлари хурсанд чакнаб кетди. Лекин у қўтидан даставвал ўйинчоқ ҳам эмас, ширинлик ҳам эмас, чиройли Табриқномаши олди. Ҳа, ҳа Юртбошимиз номларидан битилган Табриқномаши! Қизалоқ уни ўқигани тугинди. Айни шу тобора биз уни суҳбатга тортидик.

- Исмнинг нима?
- Кристина Бектоева, Сирдарё вилояти, 27-Меҳрибонлик уйдан келдик, - соф ўзбекча сўзлади у.

- Томоша, совға сенга ёқдими?
- Ҳа. Жуда ҳам.

- Ўқини биласанми? Қўлингдаги Табриқномада нималар ёзилган экан?
Қизалоқ гурур тўла нигоҳини Табриқномага тикди, бийрон-бийрон ўқиди. Ўқигани сари чехрасидаги ифтихор ортиб борарди...

Уларни Маҳмудов Алишер ва Юсупов Фаррух деб таништирган ўсмирлар пойтахтнинг Юнусов туманидаги 21-Меҳрибонлик уйдан эканлар.

- Томоша зўр бўлди. Маза қилдик. Ўтган йили ҳам Президент арчасига келгандик. Президент Отамизга раҳмат!..

Байрамга келган тарбиячилар болалардан ҳам хушнуд эдилар.

- Болалар Юртбошимиздан томоша ва совғалар учун ҳам хурсанд, ҳам миннатдорлар. Биз катталар эса шундай хайрли тадбирни ўтказиш имконини берган озод кўнларга етганимиз учун хурсандимиз. Кўнгли ўксик болаларнинг шундай қувнаб бахтиёрликда ўтказган ҳар бир лаҳзалари учун аввало Президентимиздан, ташкилотчилардан беҳад миннатдоримиз, - дейди ана шу Меҳрибонлик уйининг тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари Малика Баҳрудиннова.

- Э, нимасини айтасиз, болаларимиз ўтган йилги Президент арчаси тантанасида олган совға қўтиларигача авайлаб сақлаб қўйишган. Бугун олишгани - Юртбошимизнинг Табриқномалари улар учун болаликнинг энг яхши эсдалиги бўлиб қолади, - дея суҳбатга қўшилди Собир Раҳимов туманидаги 24-Меҳрибонлик уйи тарбиячиси Фарид Каримова. - Болалар ҳам ўз навбатида Президент арчаси тантаналари учун Юртбошимизга Ташаккурнома ёзишди. Аминанки, республикамизнинг қолган барча вилоятларида давом этадиган Президент Арчаси тантаналарининг ҳар бир иштирокчиси ушбу Ташаккурномада билдирилган миннатдорчилик изҳорларига қўшилади.

...Халқимиз, одамларимиз таърифидан сўз кетганда «болажон» сифати албатта қўшилади. Биз болажонимиз, дейишга тўла ҳаққимиз. Зеро, бизнинг юртада тақдир тақдоси билан ота-она меҳридан бенасиб гўдақлар эл-юрт, ҳукумат, қолаверса, Юртбошимиз саховатидан баҳраманд ўсоқдалар. Улар ўзларининг шу юртга, шу халққа керакли эканликларини нафақат байрам айёмларида, балки ҳар кунини, ҳар нафасда сезиб, англаб воёга етмоқдалар.

Мамлакатимизда йил сайини анъанага айланиб, қалбларимизда жўш урган меҳр-оқибатнинг ҳақиқий тисоли бўлаётган Президент Арчаси тадбирларини йил бўйи орақиб кутган болажонлар шу кунини яна меҳр, эътибор оғушида бўлдилар. Бу меҳр шундай меҳрки, унинг тафтидан мурғак қалбларда ватанпарварлик, олийжаноблик туйғулари кўртак очиб гўллайдилар. Болажонларимизнинг келажакда камол топиб, Ватан, халқ хизматига шай туришлари бугунги савий-ҳаракатларимизнинг тотли меваси бўлади.

Мавлуда ҚОСИМОВА,
«Mahalla» мухбири.



ТАШАККУРНОМА

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Абдуғаниевич КАРИМОВга

Ассалому алайкум меҳри дарё, болажон, муҳтарам Ислом ота!

Саккиз йилдирки, биз Меҳрибонлик уйлари ўғил-қизлари Сизнинг муборак номингиз, саховатингиз билан мунаввар Арча байрамининг шуқуҳи, таровати, фойзидан руҳланиб, ўсиб-ўнмоқдамиз. Бу фойзидан айём хотирамизда, қалбимизда умрбод меҳр-оқибат тисоли бўлиб келмоқда.

Бугунги Арча байрами муносабати билан ҳам Сизнинг қайноқ муҳаббатингиздан, саховатингиздан, Ҳимматингиздан, Оталарча гамхўрлигингиздан баҳраманд бўлиб, кўнлимиз тоғдек кўтарилди, бошимиз кўкларга етди.

Меҳрибонлик уйлари, Ўзбекистонга хос, ягона, барча қўлайликларга эга «Меҳрибонлик маҳалласи»ни барпо этиб, оила меҳрига қондираётганингиз учун минг бора раҳмат, деймиз.

Сиз, «Президент Арчаси» деб аталмиш муруватингиз билан энг аввало, бизга Оталик меҳрини кўрсатиб, пойтах-

тимиз Тошкентнинг ҳашаматли «Туркистон» саройида, Юртимизнинг энг кўркам масканларида сахийлик ва дид билан безатилган осмонўпар арчалар атрофида, катта тантана, ўйин-қўлгилар, томошалар оғушида Янги йилни, Янги асрни қувноқлик билан кутиб олиш мартабасига мушарраф эгдингиз. Табаррук табриқларингиз ва совғаларингиз барчамизни хушнуд этди.

Қадрли, меҳрибон, Йулбошимиз, Ислом ота!

Сизга, яна бир бор ўз ташаккуримизни айтаемиз. Сиздек меҳрибонимиз билан фахрланамиз. Сизга зўқ умр, сийҳат-саломатлик, буюк бунёдкорлик ишларингизда муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Сизга, халқимизга чин дилдан айтмизми, улғайиб, камолотга етишиб, Сизнинг, она Ватанимизнинг муносиб фарзандлари бўламиз.

Миннатдор фарзандларингиз — Президент Арчаси қатнашчилари.

СЕССИЯДАН КЕЙИНГИ ЎЙЛАР

КЕНГАШЛИ ҲУЖЖАТ ҲАЁТИЙДИР

Ҳар бир йилнинг ўз мазмуни, маъноси бор. Кенг қамровли, воқеаларга бой ўтаётган 2000 йилнинг хайрли ишлари бир олам, келаятган янги йилдан, асрдан умид катта. Уларнинг эътирофи, таҳлили маъриди келган ушбу айёмда маҳалладошларимиз, жамоатчи фаоллар, халқимиз ҳаётини ўз таъсирини қолдирган, янги-янги ташаббус, бунёдкорлик ишларига рағбатлантирган залворли тадбирлар, савобли савий-ҳаракатлар ҳам талайгина.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг кунини кеча ўз ишини тамомланган сессиясида қўрилган масалалар, унда сўзга чиққан Президентимиз Ислом Каримовнинг амалий тақлифларга бой маърузалари шундан дарак берадики, 2001 йил, XXI асрнинг илк қадамлари кўтулган, янада самарали, эзгу амалларнинг рўёга айланиши йили бўлади. Биргина янги йил бюджетининг ижтимоий ҳаёт

юқалишига қаратилган бандлири, қабул қилинган янги қонунларнинг халқчиллиги бунга мисолдир. Қонунларнинг тобора халқимизнинг турли табақалари учун бирдек тааллуқли, аҳамиятли бўлиб бораётгани, умумхалқ манфаатини кўзлашти, мамлакатимизда инсон омиди, унинг ҳаёти, шаъни-шарофати олий мақсад эканлиги халқнинг барча эзгу умидларининг ушатишига ишончи қалолот-

дир. Бинобарин, қонунларда, амалга оширилган ва режалаштирилган дастурларда, концепцияларда, ҳатто ҳар бир йилнинг мазмунид бугун тўла-тўқис халқ иродини кўрамиз. Халққа суяниб, халқ билан маслаҳатлашиб фаолият кўрсатиш, халққа хизмат этиш қўйи бошқарув идораларидан бошлаб, барча босқичдаги етакчилар дебонларининг олий иш услубига айланаётганига гувоҳимиз. Эндилекда бу услуб қонуний жиҳатдан мустаҳкамланган, ҳуқуқий кучга эга бўлган ҳақиқатдир. Жаҳон қонунчилиги тажрибасида биринчи марта Ўзбекистон парламенти «Қонуни лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги Қонунни тасдиқлади. Бу Қонуннинг ўзи ҳам ҳақ назаридан ўтказилиб қабул қилинди.

(Давоми 2-бетда.)

ШУ СОННИНГ

2-саҳифасида:

- Қонун муҳокамасида халқнинг улуши бўлади.
- Бобомурод ака: «Яйраб ишлаб, яйраб яшашнинг гашти бор!»
- Айём барчага бирдек муборак бўлсин!

3-саҳифасида:

- «Маҳалла» хайрия жамғармачи Республика бошқарувининг газета муштарийларига аталган яхши ният ва тилақлари.

4-саҳифасида:

- Пайғамбаримиз Иброҳим Халилуллоҳ «Эркак кишининг бир кунлик умри қолса ҳам никоҳдан ўтсин» деганлари бежиз эмас.
- Неварасининг ҳижрони кўп ўтмай отамни йиқитди. Ўғлимга отамнинг меҳри устун экан.
- «...Дадаг бўлмаса, уй хувиллаб, еб қўйгудек бўларкан-да?!...»

MAHALLA

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Ҳомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссасдорлик жамияти

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

E-mail: mahalla@gazeta.silk.org

Тахрират манзили: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Телефонлар: Хатлар бўлими: 136-53-75, масъул котиб: 136-53-75, ижодий бўлимлар — 136-53-82,

Қабулхона — 136-53-93, Тел/Факс: — 133-44-25.



Сурат-лавҳалар муаллифи Б. ҒИЗОКУЛОВ

ЯНГИ АСР
ОСТАНАСИДАГИ
ТИААКААР

Анвар НАМОЗОВ,
«Даракчи» газетасининг бош муҳаррири.

Хали келажакда яъни XXI асрда режаляригимиз кўп. Асосийси эса мустақил дийримиз осмонни мусаффо бўлсин. Барча маҳалладошлар ўртасидаги меҳр муҳаббат аримасин. Мен бир журналист сифатида шунга айтишим мумкинки, халқимиз, одамларимизнинг учинчи миңг йиллик арафасидаги янги асрда истак ниятлари кўп. Кўз очиб юмгунча ўтган 9 йил мобайнида кулага киритилган ютуқларни айтмайсизми!? Ёш авлод онгидаги жадал тараққиётини бундан 5-6 йил аввалги давр билан таққослаб кўришчи, ўртадаги фарқ қандай?! Демак келаятган аср Ўзбекистон учун мўъжизалар асри бўлади.

ХИММАТ

СОБИҚ ЎҚУВЧИНИНГ ЯНГИ ЙИЛ ТУҲФАСИ

Ўтаётган XX асрнинг сўнгги 2001 йили арафасида «Қирқиз» овул фуқаролари йигини ҳудудида истиқомат қилувчи Фани ва Сапарул Гудумбетовлар имкон доирасида савоат кўрсатдилар. Улар ўзлари таҳсил олган 14-сон мактабга 14 номдаги жами 40 миңг сўмлик китобларни совға қилди. Овулнинг тадбиркорларидан иборат мазкур оила аъзолари «Оналар ва болалар йили»да мактабни тазмирлаш ишларида яқиндан кўмаклашишни режалаштириб қўйишди.

Асилбек ИСКАНДАРОВ,
«Маҳалла» муҳбири.

КЕНГАШЛИ ҲУЖЖАТ ҲАЁТИЙДИР

(Боши 1-бетда)

Халқни ўйлаш, халқ манфаатини қадрлаш, халққа хизмат қилишга мўлжалланган ҳар бир ҳаракатни, ҳужжатни - унинг соҳиби - халқ билан кенгашиб йўлга қўйиш нумунасидир бу. Эндиликда қонун доирасида, халққа маъқул бўлган, халқ тўлдириб, мукамаллаштириб пишитган Қонун лойиҳасигина муҳокамага қўйилади, қабул қилинади. Умумхалқ муҳокамаси жараёнида билдирилган фикр, ғоялар билан суғорилган қонун ҳаётида ўз ифодасини топади, ишлайди, хизмат қилади. Халқ қонунларини ўз ироқасидан ўтказиб қабул қилар экан, унга тўла амал қилишни ҳам билан ва буни мутасаддилардан қаттиқроқ талаб қилади.

Қонун лойиҳаларини, фақат оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб қилиш билан чегараланиб қолмай, бошқа воситалар - усуллардан ҳам кенг фойдаланиб, халқ оммаси-

га етказилиши, турли талбирлар-суҳбатлар, учрашувлар, савол-жавоб ёрдамида муҳокама қилиниши кенгайтиришга эришиши зарур. Шунингдек, билдирилган мулоҳазалар, тақлифлар, киритилган муқобил нусхалар қабул қилинганга ёки қилинмагани сабаблари ҳақида батафсилроқ ахборотлар бериб берилиши даркор.

Ишни, янги «Қонун лойиҳаларнинг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги Қонунни алоҳида аҳамиятга молик эканлигини ҳисобга олиб, унинг шарҳини ишлаб чиқиш ва эълон қилиш мақсадга мувофиқдир.

Халқ билан маслаҳатлашиб, халққа хизмат қилиш халққчи, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишдек улғун илғари сурган ва уни амалий ҳамда назарий жиҳатдан асослаб берган Президентимиз Ислам Каримовнинг эзгу орзуси, мамлакатимиз халқига Мурожаатноманинг туб моҳиятини

ЯХШИЛАР ГУЛШАНИ

Оллоҳ Таолога ҳамд санолар бўлсинки, мамлакатимизда барча диний урф-одатлар каби Ислам динимиз ибодатлари, ҳайитлари ҳам эркин, рисоладагидек ўтказиладиган бўлди.

Йилдан-йилга рамазон ойига файзу барака билан келиб келмоқдамиз.

Бу йилги ҳайит ҳам ниҳоятда улғун, шодиёна, меҳрмуруват, кўнгилларга қувонч бахш этувчи, савобли ишлар кўни, мусулмонларнинг жуда катта байрами сифатида кириб келди. Бу табаррук кунда, ота-оналарни, кексаларни, қариндош-уруғларни, қўни-қўшилларни, устозларни, ғарибларни, беморларни зиёрат қилиш, кўнгилларини кўтариш айниқса савоблидир.

Ибн Масуд Разиллоҳу анҳуға пайғамбаримиз САВ айтган эканларки, рўзасини тутиб, ҳайит кўни намозгоҳга, яъни масжидга бориб, икки ракат намозни ўқиб, намоздан фарғ бўлганда, Яратган Оллоҳ таоло жамоат бўлиб, кўнаиб намоз ўқиган бандаларига қараб, сўнг малоиқаларига айтар эканки, «Ҳар бир банда бир ой рўза тутди. Мендан умидвор бўлиб, мендан савоб талабиди. Буларнинг нима ниятлари, нима талаблари бўлса, сизлар гувоҳ бўлинг, мен адо этаман ва барчаларининг гуноҳларини мағфират этаман».

Шунда бир фаришта дуо қилар экан. «Эй, Муҳаммад САВнинг умматлари, уйларингизга гуноҳларингиздан қўлга бўлган, гуноҳларингиз савобга айланган ҳолда қайтайсиз. Оллоҳ сизнинг гуноҳларингизни кечириб, ўрнига савобу хасанотларни ёзди». Оллоҳ таоло айтган экан: «Эй биродарларим, бир ой мени деб рўза тутдингиз, бир ой мени деб ифтор қилдингиз, энди ўрнингиздан ҳаммангиз кечирилган ҳолатда турингиз. Мен сизни барча гуноҳла-

Бўлақол, Қорқизим, болажонлар ҳам ўз совғаларини кутиб қолишди!

— Бўлақол, Қорқизим, болажонлар ҳам ўз совғаларини кутиб қолишди!

БАЛЛИ, ЗАМОНДОШЛАР!

Ёши улғун кексаларимиз ёшларни кўпичинча «Отанонга балли» дея олқишлашади.

Ҳеч кимда «Нега шундай, мактовга арзидик ишни қилган одам қандай, ота-онанин ақлийлиги?» деган савол туғилмаган. Чунки эсини тугилган киши борки, ҳар кимнинг камолга етишида, яхши юмушлар қилиб юртда хурмат қозонишга асосий сабаб - ота-она, уларнинг тарбияси натижаси эканини яхши билади.

Бугунги қаҳрамонимиз Бобомурод Шойимов ҳам фарзандлари тўғрисида халқнинг, юртдошларининг олқишига сазовор бўлган оталардан. Рафикаси Жарқиноя она билан ўн нафар ўғил-қизин тарбиялаб вояга етказмоқдалар. Оиланинг тўрт нафар лочин урлолари - Норқобил, Худойберди, Музаффар, Маллабойлар эл қорига ярайдиган инсонлар қаторига қўшилган.

Норқобил олий милиция мактабда ўқитувчи, бутун кунгайратини ёшларни барқамол, касбига, халқи ва Ватанига меҳр қўйган инсон бўлиб етишларини учун сарф қилмоқда. Худойберди давлат автомобиль назоратчисидек масъуляти касбини эгаллаган. Музаффар эса туман ички ишлар бўлимида жиноят қидирув ноизири бўлиб ишлайди. Тўртинчи ўғил Маллабой ота касбини улуғлаган - малакали иқтисодчи. Дарвоқе, Бобомурод аканинг ўзи оддий ишчилдан каттагина ширкат ҳўжалигининг бош ҳисобчиси даражасига бўлган ишчи-ишчи, меҳнат, машаққат йўлини босиб ўтган. Ўрни келганда айтиш керакки, 92528 гектар майдонга, 10300 кишилик аҳолига эга ҳўжалик йилдан-йилга ялпи даромад кўр-

h k g h r ä l l ä z o n

рингиздан фарғ қилдим. Оллоҳ субханоҳу таоло, бандаларини мағфират қилиб, бандалари руҳан покланганда Иблис малъун Шайтоннинг газаби келиб, дод деб чинқирай экан. Шайтоннинг аскарлари айтarkan: «Эй, хўжамиз, нимадан бунчалар бақириб хафа бўляпсан?» Шунда иблис айтarkan: «Менинг бир йил буларни адаштириб туриб, гуноҳларга ботириб, қанчадан-қанча гуноҳларга бошлаттириб, бир-бирига душман қилиб юрганларимда, булар рўза туттиши ва мана ҳайит намозини ўқиши. Менинг бутун қилган ҳаракатимни Оллоҳ бекор қилиб, ҳамма гуноҳларни мағфират қилди. Ҳаммасининг гуноҳини кечирди. Энди бир иш қилинларки, мана шу уч кун ҳайитда бир ҳаром нарса ичириб, маст қилинлар, ёки бир зино иш қилдинларки, бир ой тутган Рўзаси, мана шу қилдиқлари билан бекор бўлиб, мана шу қилмишлари орқали ўқиган намозлари бекор бўлиб кетсин.

Азизлар, ҳайит байрам, деб нафсага эрк бериб, гуноҳ ишларга ботиш керак эмас. Яхши амалларни қилинг. Ота-она ҳаёт бўлса, зиёратини қилиб, ота-она хизмати-ни қилиб, дуосини олинг, хаста беморларни зиёрат қилиб, ҳаққига дуолар қилинг. Закоат, садақа, тасвҳо, таҳлилларни айтиб юринг, фарзандларингизни хурсанд қилинг, деб. Соғайиб кетинг, деб кўнглини олинг. Қариндош-уруғ, ота-оналар ўтган бўлса, уларнинг қариндошлари қолган, шуларни бориб зиёрат қилинг. Ота-онанинг қабристонига бориб зиёрат қилиб, хотирлаб, ўтганларнинг ҳаққига дуолар қилиб қўйиш керак. Ҳа, асл

мўминларимиз шундай қилишмоқда ҳам. Ҳайит кўни нима тилакни инсоният тиласа, албатта, Оллоҳ таоло унинг тилағига етказад.

Бир ой рўзасини соғ-саломатликда, тинчлик ҳотир-жамликда тутиб ўтказганимизнинг байрами бу.

Дунёда лазиз нарса - тинчлик. Мана шу тинчликнинг қадрига етишимиз, озод Ватанда ҳаёт кечираётган эканмиз, бунинг шукрини айтишимиз, Раббимиздан мустақил-лигимизнинг абадий бўлишини, азиз Юртбошимизнинг танларининг соғ бўлишини, юртимизнинг офат-балолардан сақлашини сўрашимиз лозим. Мана азизлар XX аср туғаб, XXI асрга қадам қўймоқдамиз. Илоҳим, янги асрда Ўзбекистон деб аталган мамлакатимиз дорвуги янада ортин.

Мустақиллик шарофати билан Йил рамазоннинг биринчи кўни ҳайит намозини тантана билан адо этган эканмиз, бу кундаги ибодатларни бажармоқ насиб этганидан Оллоҳ таолога беадад шукр айтмай. Рамазон ҳайити тонгги тиловатидан кўнгиллар ярайди, мусулмонлар ўзларининг иродаларини, иймонларини мустаҳкам-лигини, нафс лашкарини енгишга қодирлигини, сабр ва қаноатда собит эканлигини кўрсатувчи синовдан голибона ўтиб, зоҳирий ва ботиний покланиб етиб келган бу улғун кунлар шукронасидан чин завқ олдилар.

Азизлар ҳайит байрамнингиз кўтлуг бўлсин, мамлакатимизда тинчлик-осойишталик, ҳонадонларимизда, маҳалларимизда файз-барокот барқарор бўлсин!

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотух.

МАҲАЛЛА АҲЛИ МАЪРИФАТ ИСТАР «СОЧАКИБАЛО»ДА РОСТМАНА ЗИЁҒОҲ БОР

Шундан хулоса қилса бўладики, ҳозирги вақтда газета ўқитганлар у ёқда турини, ҳатта катта-катта режаларни ўқиб ташлайдиган ашаддий китобсеварлар ҳам камайиб кетаяпти. Бунга техника-технология, компьютер имкониятлари ҳам бир томондан сабаб бўлган. Лекин Самарқанд вилоятининг Тўлоқ туманидаги Соचाкибало китобхона фуқаролар йигинида бўлган, асл китоб мутолачаларини кўрасиз. Йигинининг кутубхонаси замонавий даражасида жиҳозланган. Шу ерининг ўзида билим ва ахборот олмақчи бўлганлар учун шинам ва ёруғ ўқув зали мавжуд. Жами 3370 дан ортиқ хилма-хил адабиётлар, қўланма ва нашрларини ўз ичига олган кутубхонамиз ҳақиқий маънавият ва маърифат масканига айланган. Бу зиёғоҳа маҳалла фуқаролари йигини қошлаган хотин-қизлар кенгашининг ранси, фой жамоатчи маҳалладош Рабияхон Салоҳиддинова «бекалик» қи-

дан бўлса керак, ҳозирда кутубхонанинг 500 дан ортиқ доимий мижозлари шаклланган. Қолавера 35 та оилавий китобхоналар ҳам бор. Демак одамлар китоб ўқиш учун ҳам вақт топа билмаётган эканларни, кутубхоналарнинг аъзолари анча кўп. Масалан Соҳибкор ширкат ҳўжалигининг лимончилик ишсҳўнасида ҳам кутубхонанинг кўча шаҳобчаси ташкил этилган. Яқинда зиёғоҳ мудири си ҳамқишлоқлар талаб-таклифларидан келиб чиқиб яна 5 миңг сўмлик китоблар гуллас-таси билан маскани бойитди.

А. МУҲАММАДАЛИЕВ.

ОЛҚИШ ОЛГАН ОДАМЛАР

Норқобил олий милиция мактабда ўқитувчи, бутун кунгайратини ёшларни барқамол, касбига, халқи ва Ватанига меҳр қўйган инсон бўлиб етишларини учун сарф қилмоқда. Худойберди давлат автомобиль назоратчисидек масъуляти касбини эгаллаган. Музаффар эса туман ички ишлар бўлимида жиноят қидирув ноизири бўлиб ишлайди. Тўртинчи ўғил Маллабой ота касбини улуғлаган - малакали иқтисодчи. Дарвоқе, Бобомурод аканинг ўзи оддий ишчилдан каттагина ширкат ҳўжалигининг бош ҳисобчиси даражасига бўлган ишчи-ишчи, меҳнат, машаққат йўлини босиб ўтган. Ўрни келганда айтиш керакки, 92528 гектар майдонга, 10300 кишилик аҳолига эга ҳўжалик йилдан-йилга ялпи даромад кўр-

сатқичини ошириб келмоқда. ... Бобомурод ака аввал Тошкентда, Норқобилда телефон қилди. Келинидан, набираларидан ҳў сўради, Жарқиноя опа ва бошқаларнинг саломини етказди. Сўнг Термиздан Музаффарнинг сўроқлари, у хизмат сафарига экан.

Бойсун тоғларининг эгаги бўйлаб ястанган йўлдан қайтаётган Бобомурод ака йўл четда маҳалла оқсоқоли Холди Ботировни пайқаб қолди. Машинани оқсоқолининг ёнига бориб тўхтади.

- Ҳорманг, Холдибой!

- Э, саломат бўлинг, Бобомурод ака!

Йўл-йўлакай оладдаги ҳў сўрашлар, маҳалладаги янгиликлар ҳақида гап кетди.

- Болаларга сим қўқиб келаямиз, телефон ҳам бир мўъжизада Холдибой, узонингни ҳам эжин қилади...

- Тўғри айтасиз. Кўз те-масини, фарзандларингиз жуда да ақли, комил чиқибди-да. Маҳаллада ҳамма оилангизга ҳавас қилади. Ҳавас қилса арзийди ҳам! Узингиз ҳам тиниб-тинчимайсиз, менинг билганим, кам таъминланган, бева-бечора оилаларга доим қайишиб юрасиз. Халқ хиз-матига лажарбаста азамат ўғилларингиз бор, барака топишин. Сиздек фарзандлари камолини кўриш насиб этган кишининг армони йўқ бўлса керак?

- Шундай эркин, ҳур за-монда яйраб ишлаш, яйраб яшашнинг ўзи қанча гашт. Кўп қатори, эсон-омон бў-лишса бўлди, ишқилиб...

Шу лаҳзада Бобомурод аканинг кўз олдига болалик чоғидаёқ айрилганлари - ота-

насининг чехралари гавда-ланди. Бобомурод ака беш қизининг ичиде ёлғиз ўғил эди. Шундай файзли кунлар-да ота-онани ёлғизларининг, набираларининг роҳатини кўриб, қарилк гаштини су-риб юришса қандай сўз бу-ларди. Бобомурод аканинг ягона армони ҳам шу эди.

- Э, Холдибой, армони йўқ одам бор эканми? Лекин одамзод армонга берилб эмас, орзуга интилиб яшаш керак. Ҳозирги кунда ҳамма-мизнинг, сизнинг ҳам, мени-нг ҳам орзумиз бир: юр-тимиз тинч, осойишта бўлин, фарзандларимиз тўғрисида олқини олиб юрайлик. Ни-ма дедингиз?

- Яшанг, Бобомурод ака!

О. ШУКУРОВ,
М. КОСИМОВА,
«Маҳалла» муҳбирлари.

Арча бозор тарқудуи

қеаси рўйхатини эълон қилди. Унда Владимир Путинни президент бўлиши ва «Курск» сувости кемасининг фо-жеаси ҳам жой олган. Шунингдек, Жорж Бушнинг АҚШ президенти этиб сайланиши, АҚШ давлат котиби Малден Олбрайтнинг Пхеньянга ташрифи, инсон танасидаги ге-нетик код хараитасининг яра-тилиши, Тайвандаги президе-нт сайловида мухолифат куч-лар вакили Чэн Шуньининг галабаси, Исроил билан Фа-ластин ўртасидаги юз берган янги қарама-қаршилликлар, глобаллашувга қарши норози-

ЖИЗЗАҲДА СПОРТ ШАҲАРЧАСИ

Жиззах шаҳрининг Сайқал маҳалласида Жиззах олимпиа захиралари коллежи ва Ўрта Осиёда ягона ёшқ спорт мажмуи куриб битказилди.

Энди бу ердаги қатор-қатор спорт иншоотларини куриб спорт шаҳарчаси бунёд этилди, дей-сиз. Мустақиллик объектларидан бўлиши ушбу иншоотлар бир йил ичиде куриб битказилди. Қула-дор боғларини, спорт йўлакларини, юриш, дам олиш жойларини куриб кўз қувонади. Биргина ёшқ спорт иншооти 780 миллион сўм сарфланди.

Ёшқ спорт мажмуи ички майдони 7200 квад-рат метрлан иборат бўлиб унда енгил атлетика теннис кортлари бўлимлари жойлашган. Иккин-

чи бўлимда 800 нафар, учинчи бўлимда 860 на-фар томошабин утиралган ўриндиқлар бор.

Ўтган йили курилган ёшқ чўмилиш ҳаваси ёнидан очиқ чўмилиш ва сузиш ҳаваси бунёд этилди. Спорт комплекси таркибиде яна 4 та очиқ теннис корти ҳам илға туширилди.

Жиззах олимпиа захиралари коллежи ўнға йўналиш бўйича 16 ёшли - 20 ёшга янғит қизларни талабалликка қабул қилинапти. Кол-лежнинг 750 ўқувчи мўлжалланган ўқув кор-пуси, 250 ўринли охиона, 260 ўринли мажлис-лар зали, 50 ўринли кутубхона, 200 ўринли ёт-қона талабаларга хизмат қилади.

Алибой ЭРГАШЕВ.

ЯНГИ АСР
ОСТАНАСИДАГИ
ТИААКААР

Муродилла МАДИЕВ,
Каттақўрғон тумани прокурори.

Дарҳақиқат, шонр айтсаларидек бу кунлар ас-ганлар бор, етмаганлар бор. Икки аср юзани кўриш ет-лаган киши учун катта бахт. Донулар айтмадики, утган умрингиз ачинам, деб. Лекин шундай бўлса-да бир-роқ уқинишса тўғри келди. 70-йиллик тоталилар ту-зум даврида кам учун яшадигу кимлар учун хизмат қи-лдик. Аммо тугаётган аср биз учун қайдровидар XX аср сўнгигада Ўзбекистон тарихида зарҳа ҳарфлар билан ёзилиб қолган асрлар амаласи оширди. Давлатимиз мустақиллигидан тортиб 9 йил мобайнида бажари-лган юмушлар, қўлга киритилган ютуқлар бисёр. Ҳу-қуқий томондан ривожланган демократик давлат ку-риш йўлидан бораётган эканмиз бу алаҳқачон ўз сама-расини бера бошад.

Ўтаётган асрда Юртбошимиз ша-шабуслари билан жаҳонга очилган йўл янги XXI асрда мамлакатимиз тараққиёти учун хизмат қилмоғи тайин.

Ҳукуматимиз томонидан жамият бошқарувининг кўйи бўғиналарида жадал суратларга бораётган юксалишни куриб ич-ичиндан қувонсан киши. Миллийизимизга ҳос янғича усулдан фаолият кўрсатаётган ўзини ўзи бошқариш органлари тараққиётимиз пойдевори бўлиб қолмоқ-да.

Бир сўз билан айтанда мустақкам ривожланган ҳу-қуқий онг билан янги XXI асрни тараққиёт ва юксалиш-лар асрига айлантирайлик.

ХАЛҚАРАВИЙ ҲАЁТ ПАНОВАМАСИ

ЯНА ЎША «КУРСК» ҲАҚИДА...

«Корса таймс» газетаси йилнинг ўнға энг муҳим во-

лик, АҚШ биржасида акция-лар баҳосининг тушиб кети-ши натижасида Осиё бозори-даги сиклинишлар ҳамда не-фтинг 37 долларга қиммат-лашуви ўтаётган йилнинг энг муҳим воқеалари ҳисоблан-моқда.

ФУХИМОРИНИНГ ҚАНЧА ПУЛИ БОР?

Японияга қочиб келган Перунинг собиқ президенти Алберто Фухимори ўз банк ҳисобларида 18 миллион дол-

лар борлиғи ҳақидаги миш-мишларини рад этди. А.Фухи-мори «Июмури» газетасига интервью бериб, ушбу гап-сўзлар бўхтондан бошқа на-рса эмаслигини таъкидлади. Собиқ президент А.Фухимори Японияга Перуда ҳукумат танглиги юз бергандан кейин қочиб келган эди. У Тоқнода-ги меҳмонхоналарнинг бири-га қойлашиб олиб, ўзининг истеъфо берганини маълум қилди. Шундан сўнг Перу пар-ламенти уни шармандаларча президентликдан бўшатди. Япония фуқаролиғига эга бўл-

АЗИЗ ВА ҚАДРДОН ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ
ЎЗБЕКИСТОН ОҚСОҚОЛЛАР КЕНГАШИ,
«МАҲАЛЛА» ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ,
«МАНАЛЛА» ГАЗЕТАСИ ТАХРИРИЯТИ

Я Н Г И Й И Л, Я Н Г И А С Р

БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ!

XX асрда юртимиз озодлиги, халқимиз истиқлоли тоғи отди. Бугун дунёдаги энг демократик давлат фукаролари ҳам хавас қилаётган хур Ўзбекистон халқига XXI асрдаги бўлажак туд эзгу ўзгаришлар йўлида Сизга янги-янги зафарлар, катъият ва шижоат, мардлик-матонат ёр бўлсин. Маҳаллаларимиз меҳр-мурувват, саховат, хилмат, адолат маскани бўлиб гуркирад ўссин. Мохи рамазон хайитингиз муубрак бўлсин, азизлар! 2001 йил эл-юртимизга бахт-саодат, файз-баракат, омад келтирсин!





ЯНГИ АСРГА «ДАМАС»да

Бахмал туманидаги Садриддин Айний номи хўжалик хўдудидида фаолият кўрсатаётган «Сарой» деҳқон фермер хўжалигининг раҳбари Ботир Ортиқбоев XX асрдан XXI асрга «ДАМАС» мишиб ўтайдиган бўлди. У эришган ютуқлари учун туман ҳокимининг фармойишига кўра «Дамас» микроавтобуси билан тақдирланди.

ЎҒЛИМГА ОТАМНИНГ МЕХРИ УСТУН ЭКАН

◆ ХАЁТ УСТУНИ

Тақдирнинг тақозоси билан тўнғичи-миз Давронжонни ўн етти ёшга тўлмасдан ерга қўйдик. Айрилиққа чидай олмай ҳар куни бир неча марта қабристонга қатнашни одат қилдим. Бирда, у ердан чиқарилган, дарвоза ёнида отам раҳматликка рўбарў келиб қолдим.

солсам, отамнинг кўзлари қизариб шишиб кетган, шашқатор ёшлари икки бетларини юварди. Бошқа гап айта олмадилар, иккимиз бошимизни ҳам қилганча икки ёққа тарқалиб кетдик.

нг ёнимда, хавотир олма, ўзим қараб ётибман. Қани энди орқанга қайт», - дедилар.

Мундоқ ўйлаб кўрсам, ўзимдан ҳам кўра ота-онамга кўп жабр қилаётган эканман. Улар меннинг аҳволимни кўриб, мендан ўн чандон кўп гам-андуҳга тушишар экану, менга билдиришмас экан.

Неварасининг ҳижрони отамни кўп ўтмай йиқитди. Энди бува ва невара ёнма-ён ётишибди. Одатим буйича қабристонга келиб чўққалаб ўтириб ўтганлар руҳига Қуръон тиловат қилиб, чиқиб кетдим.

Тонга яқин туш кўрсам, жойи жаннатда бўлгур Отам келиб, менга ҳам ялинган, ҳам дўқ қилган бўлиб: «Ўғлингни олдига ўзим келиб ётдим, болам. Энди хавотир бўлма, деб турибдилар».

Омонулла МУТАЛОВ.



КҮЙ (21.03-21.04). Ҳафта сиз учун бироз ноқулай келиши мумкин. Ҳафта ўрталарида соғлигингизни эҳтиётлаган, бирон бир мазорро чиқибдан ўзингизни асраган. Шанба кунини қийин кўриб кетмасин. Яқинбағали хариб кўнглингизни кўтарали.

БУЗОҚ (22.04-20.05). Ошғи, ҳафтадан хурсандчилик кутинг. Аввалига ҳаммаси яхши бошланаётгандек туюлсада, ҳафта ўртасига келиб табиғингиз хиралашади. Ишончада майда-чуйда гаплар билан жингликка тегишади. Тушқунликка берилманг.

ЎГИЗАКЛАР (21.05-21.06). Ҳафта бошида рўй берган мазордан эсон-омон ўтиб олган бўлсангиз марра сизники. Ҳатто чоршанба кунини кўнглингизга пул тушиши мумкин. Имкониятнинг кўлдан бой берманг. Шанбада дил изҳорни кутаяти.

ҚИСКИЧБАҚА (22.06-22.07). Ҳафта сиз учун кўнгли кечади. Ҳафта ўрталарида моддий аҳволингизни яхшилаб олиш учун қулай фурсатлар бўлади. Чўгакка пул тушади, дам олиш кунлари ажойибу гайриобиб ўтти шубҳасиз.

АРСЛОН (23.07-22.08). Ҳафтада илларингиз ёмон бўлмайди. Кунлар серзафқ меҳнат, кўтарингиз кайфият билан ўтади. Жумлада омад кўлиб, бойиб олгач, дам олиш кунларини олданигиз кучоғида, мароқди ўтказасиз.

ПАЗИЗОД (23.08-22.09). Ҳафта сизга ушбуни ваъда қилайти: чоршанба - у-бу хариб қилишга қулай, пайшанба - пул топадан кун, жума-гинч, осуда кечади, шанба - мириқиб хорлик чиқаришга имкон беради.

ТАРОЗИ (23.09-22.10). Ҳафтада олданигиз зери сиз учун ноқуш аломатлардан дарак йўқ. Маош олганда, умуман кўнглингиз пул кўрганда, гайратингиз ошиб кетади. Лекин чоршанба кунини қаттиқ ишга боришдан, яхши, бемалол ишланг. Шанба - яхши хабарлар олиб келади.

ЧАЁН (23.10-22.11). Ҳафта бошида бироз асабийлашиб, ўзингизни лоҳас сезган бўлсангиз. Чоршанба кундан бошлаб кайфиятигиз ўзгариб, хурсандчилик, саргузаштли кунларни бошдан кечирасиз.

ЎҚОТАР (23.11-21.12). Ҳафта сиз учун гоят эҳтиётчилик кечади. Жума кунлари табиғингиз хира бўлиши мумкин. Ҳафтанинг ўрталарида аввал мароқди, кейин жўшиб ишлашасиз. Шанба кунини моддий аҳволингиз дурустлашади.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12-19.01). Ҳафтада тушқун вазиетлар ва ноқуш воқеалар кўтиляётгани сизни рақибат-масалниг керак. Бир кун муаммо чиқса, эртасига бироз билан ади-бади айтишиб қолганингиз эҳтиётли бор. Айниқса, жумлада олганиб қолшдан эҳтиёт бўлинг.

ҚОВҒА (20.01-18.02). Фаоллик ва кўтаринчилик - ҳафта сизга ана шуларни ваъда қилмоқда. Ҳар бир кун сизнинг у ёки бу интигизини рўйга чиқариб, хурсанд этила: ё озиқиб кутаётган кишингизни учратасиз, ё ҳамёнингизга пул тушади.

БАЛИҚ (19.02-20.03). Жуқинг ҳиссиётларга, югур-югурларга, ташиниш муаммоларга бой ҳафта сизни гоҳ қувонтиради, гоҳ ранжитади. Айниқса, чоршанба кунлари бирон-бир таваккалчилик қилишдан ўзингизни тийинг. Дам олиш кунини кўнглингизга пул тушади.

Тошкент шаҳар Чилонзор туманида жойлашган «MUSHTARIY-BFS» х/ф тугатилди. Даволат 2 ой ичида қабул қилинади. Тел.: 76-28-88

◆ ОҚИБАТ ТУГУНИ

ЁЛҒИЗЛИК ФАҚАТ ЯРАТГАНГА ЯРАШАР

Гап-сўз бир ҳафта қизигандан-қизиди. Кейин мўъжазгина тўй ўтди-ю, оғзи билан юралигининг ҳовури бошилди.

аср мобайнида ўз жуфти-ҳақлодини еру қўққа ишонмай ёниб яшади-ку.

Ҳаёт синовлари орасида энг армонли, энг оғриқли, энг шафқатсиз эр кишининг хотинидан бевақт айрилиши бўлса керак. Шунданми, эсли-хушли кишилар доимо аёлидан аввалроқ «ўтиш»ни Оллоҳдан тилаб юришади. Бодаликдаги этилик қисмати вақти-соати билан кўнглини мумкин, аммо кекаликдаги «етим»ликнинг машаққатига дош бериш оғир. Худди шу мушқулоти елкасида кўтарган лонингандлардан бири «Агар буюқлар қисмати ёлғизлик бўлса, асло буюқликни истамас эдим»-деди хитоб қилганда. Оилавий ҳаёти захар-зақумга айланса-да, Лев Толстой хотинининг таъна-у дашномларига 48 йил чидаганида ҳам қандайдир биз илгаман сир-синоат бордир. Фаранглар дохилеита айланган Шарп де Гол ўз заифаси ила 50 йил чиройли яшаб, кўпчилика ҳавас уйғотганлигига нима дейсиз? Ахир Отто Бисмаркни олайлик. У ярим

ор куриш дегани «ўтган»нинг хотирасини унуттилик ёки хиёнат дегани эмас-ку! Аёллар-ку ўзини ўзи элпаб, парваршлаб яшамоғи мумкин, бироқ табиат худди шу сифатни эркаклардан дариг тутган бўлса, не ажаб. Эҳтимолки, шу ҳолатни юракдан сезгани бонис, пайгамбаримиз Иброҳим Халилulloҳ «Эркак тақдир тақозоси билан иккинчи бор ҳаётингизни қайтадан бошламоқчи ният қилсангиз-ю, бироқ теварак-атрофингиздагилар гап-сўзларидан чўчиб, истиҳода ва андиша учун умрбол ёлғизлик азобида қовурилсангиз-чи? Ахир, ҳаёт инсонга бор-йўғи бир марта берилди-ку! Уни қандай кечириб ҳар кишининг ўз инон-ихтиёрига боғлиқ эмасми? Нега энди турли фисқу-фасод, миш-мишлардан чўчиб, одам ўз хоҳиш-иродасига қарши иш тушмоғи керак?!

Совчилар келишди. Шу баҳона маҳаллада дув-дув гап бошланди.

«Қаранг, ёши бир жойга бориб... Ахир ёлғиз эмас, атрофида ўғил-қизлари гирди-капалак.

«Кувё бўлгучини айтмайсизми? Нақ бир оёғи гўрда эмиш. Сенга аёл эмас, энга керак дегувчилар йўқмикан.

Кези келганда яна бир ан-лишани ёдга олмоқлик жоиз. Аксарият ҳолларда фарзандлар, хуеусан қизлар оталарининг қайта турмуш қуришларига қарши чиқадилар. Бу, юмшқ айтганда, тарбиянинг мукамал эмаслиги ва исомий бил-имларнинг сустиги оқибатидир. Мен бир оқил ва лонинганд муаллимни билдирман. У кўп ёшларга билимини, қалб-қурини бахшида этган. Мана бир неча йилдирки, бу инсон ёлғизлик азоби-ни тортиб яшайди. Холбуки, одамлар орасида танҳоликдан кўра оғир қисмат бўлмағай. Домланинг эсли-хушли фарзандлари эса отасининг бошини «иккитга» қилиш тўғрисида ўйлаб кўрмайдилар. Битта ота ўнга фарзандини уйли-жойли қилишга қурби етаркан-у, аммо ўнга бола битта отанинг кўнглини овлаши қийин экан.

Шуларни мулоҳаза қилиб туриб, эркакларга қарата: «Ҳой биродарлар, кўз очиб кўрган жуфти-ҳақлолингизнинг қадрига этинг, аёлингиз уйингизнинг чирогои, хонадонингизнинг машаалидир. У ҳар жиҳатдан иззат-икромга сазовор бир зот, унинг борлигини билмаслик, хизматларини қадрла-маслик инсоф ва мурувватдан эмас», дегинг келайди.

Абдумутал АБДУЛЛАЕВ.

◆ УЙИМИЗНИНГ ОДАМИ

ОШ СУЗИМСАН...

Барно турмуш ўртоғини бир-икки кунлик иш билан узоқ туманга жўнати-шайтанини эшитиб, аввал унчалик эйтибор бермади.

ҳам ўзини ёлғиз сезди. «Ё тавба, бир қаноти йўқ қушга ўхшайман-а? Бу - узоққа қетганда биларкан». Гўё уй бум-бўш хувиллаб қолгандай туюларди.

Унинг атрофида болалар ўралашиб юришибди. Халтага турли хил нарсалар жойлаштирилди. Янги жемфер ва тазаланган ботинка олиб чиқди, кастомини меҳрибонлик билан эрининг қўлига бериб, чулт дўпписини бошига кийгизди.

Унинг алп қоматига қараб қизгангиз келди. Тўғриси жудаём қизганди... Ҳозир... унинг бўйнига осилиб, бошини кўксига қўймоқчи бўлди.

Эҳ, журъати етмади-я! Эплогмади. Атрофида гирди-капалак болаларидан хи-жолат тортидир. Эри Барнонинг кўзларига маъноли қаради-да, йўлга чиқди. У қарачи билан дилидаги борини баён қилди.

«Дадамага илдингиз-а? - кучоқлади қақажон қизи. - Кўнглини билгандай. - Бўлмасамчи, илдиндими! - самийий жиламди у ва тез-тез кўча эшикка қараб-қараб қўярди. Кеч бўлиши билан безовталаниб, соатга қаради. - Вой, худойимей, - у ичидан келган сўзини яширолмади, - даданг бўлмаса уй хувиллаб деб қўйгудек бўларкан-а?!...»

Барно уйда ҳам, ишда

Тўхтахан РАХИМОВА.

QUTLOV! Мана сарай катари, сиз билан бир оғайиб энди асрга қарай қўйиб берилди. Хайтилингиз энди рабб болмаган. БОЙСУН САВАО ИШААБ ЧИКАРИШ КОМБИНАТИ ЖАМОАСИ бу уяда воқеа - Янги йил билан сиз сарайни астойдил кўтурсин.

Янги аср соғломликдаги дастурлар саҳифа оғинди. ШҲРЧИЛОН МАХСУ ОТАЛАРИ

Республика халқини муваззам 2001 йил билан чин қалбдан муборакбод этади. Янги йил барчамизнинг ҳаётимизда ўчмас из қолдиришини, қувончли воқеаларга бой бўлишини, қут-баракат келтиришини Яратгандан тилаймиз.

◆ ЯНГИ АСР УЧУН БОҒ


Жиззах сарҳадлари-ни кезар экансиз, ўрмончилар томонидан қилинган ишлар яққол кўзга ташланади.

Улар жорий йилда 225 гектар ерни боғ-роғларга, манзарали дарахтзорларга айлантирдилар. Жумладан «Соғлом авлод боғи» барпо этилиб, 16 гектар ерга мевали дарахтлар ўтқазилди. Вилоят Марказий шифохонаси атрофида бир гектарлик боғ яш-наб турибди. Шоирлар хибониди барпо этилган боғ, 22 гектарлик нуруонийлар боғи, 8 гектарлик «Истиқлол боғи» ҳам ўрмончилар меҳнатининг маҳсулидир. Жиззах тумани ҳудудидида 46 гектарлик боғ, Зомин, Бахмал, Фо-

БОРИК БОҒЛАРГА УРКАНСИН

риш туманлари ҳудудларидаги теракзорлар, арчазорлар экологик муҳитнинг яхшиланишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. Жиззахлик ўрмончилар мева, сабзавот, картошка тайёрлаш борисиди ҳам таҳсинга сазовор ишларни амалга оширмоқдалар. Режа-дагидан анча юқори маҳсулот етиштирилиб, савдо шаҳобчалари орқали аҳолига сотилаётир. Бундан ташқари шифобахш асал, дон-дун ва бошқа ўрмончилик маҳсулотлари билан ҳам вилоят меҳнатқашларининг дастурхонини беэмоқдалар.

Бу йил қиш фасли жуда мўтадил, илиқ келди, - дейди вилоят ўрмон хўжалиги бошқармасининг бошлиғи Мустафоқул Умрзоқов. Қулай имкониятдан фойдаланиб келуси йил баҳорда экиладиган ниҳолларни тайёрлаш, ерларни тартибга келтириб, теракзор ва арчазорлар барпо этиш учун терраса усулида ер тайёрлаш ишлари қизгин олиб борилоқда. Азамат ўрмончиларнинг шижоатига ҳавас қилиб, борлиқ боғларга бурканаверсин, деймиз. П. ТОЖИБОЕВ.



ТАБАССУМ

Турма ҳолисиди бири соат ўтиришда, иккинчиси соат сиз ўтиришда айбланган икки маҳбус «сўй» қилишарди. Иккинчиси биричисида киния билан суради. - Соат неча бўлди? - Шерига бепаро жаваб берди. - Ҳа, шу... Сиз сиз соғадиган пайт бўлиб қолди! Сиз кишиларни эшартирадиган қалбаки дори-дармонлар тайёрлашда айбланасиз. Айтингчи, илагари ҳам судланганми-сиз? - Ҳа, 1606, 1750 ва 1895 йилларда. - Духтирлар менга ота юриг дейшди. - деди ошми мақсабда юрган селиз хотини дуванасида. - Натижаси бўлдики... - Ҳа, бир ойда кейин мен манган от 20 кило олди. Ёшгина руҳоний нарсалар гузал эканлиги тўғрисида ваъдани сиз бир бурки кам-пир ундан суради: - Болам, гиниёв-га қарганда мен ҳам чиройли эканман-да, тўғрими? - Тўғри, холажон, билан, - сиз букрилар ичида энг гузалсиз.

Янги Асрда кўришигунна

MANALLA Ўзбекистон "МАХАЛЛА" хайрия жамағатининг нашри Таҳрир хайяти: Шўхрат ЖАЛИЛОВ Иброҳим РАҲИМ Расул РАҲМОҶОВ (Бош муҳаррир ўрин-босари) Рустам ҚОСИМОВ Масъул котиб: Аслиддин БҲРИЕВ Навбатчи: Олим БЕҒАЛИЕВ Саҳифаловчилар: А. ЮЛДАШЕВ С. ХОНКЕЛДИЕВ IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41. Бўртма Г-1037 Топшириди—20.30